

**«Olmaliq kon - metallurgiya kombinati»
Aksiyadorlik jamiyati**

ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ								
1.	Тўлик:	“Olmaliq kon-metallurgiya kombinati” aksiyadorlik jamiyati						
	Қисқартирилган:	“Olmaliq КМК” АЖ						
	Биржа тикери номи:	AGMK						
АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ								
2.	Жойлашган ери:	Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, А. Темур, 53						
	Почта манзили:	Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, А. Темур, 53						
	Электрон почта манзили:	info@agmk.uz						
	Расмий веб-сайт:	www.agmk.uz						
МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ								
Муҳим фактнинг рақами:		06						
Муҳим фактнинг номи:		Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлари						
Умумий йиғилиш ўтказиш тури		Навбатдан ташқари						
Умумий йиғилиш ўтказилган санаси:		23.06.2023й.						
Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана:		23.06.2023й.						
Умумий йиғилиш ўтказилган жойи:		Тошкент шаҳри, Амир Темур шох кўчаси, 107Б						
Умумий йиғилиш қворуми:		100%						
3.	№	Овозга қўйилган масалалар	Овоз бериш натижаси					
			ёқлаш		қарши		бетарафлар	
			%	сони	%	сони	%	сони
	1.	“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти устав фондини (устав капитални) камайтириш, акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор матнига ўзгартиришлар киритиш орқали уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида	100	606 016 663	0	0	0	0
Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни:								
<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлиги қарор қилади.</p> <p>1. Қўйидагилар:</p> <p>Хорижий корхоналар, компаниялар ва илмий-тадқиқот институтлари билан ишлаб чиқариш, илмий-техникавий ва экспорт-импорт операциялари бўйича ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, шунингдек, комбинатга ташриф билан келаётган хорижий делегацияларни кутиб олиш, музокараларни юқори савияда</p> <p>1. ташкил этиш мақсадида ижро аппарати тузилмасида “сотиш ва металлургия хомашёларини етказиб бериш бошқармаси” штатлар жадвалидан 2 штат бирлигини қисқартириб, бошқарув раисига бўйсинувчи 2 та штат бирлигидан иборат “ташқиқот ва иқтисодий алоқалар бўлими” ташкил этиш маъқулланганлиги;</p> <p>“Ёшлик-1” конини ўзлаштириш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида 3-мис бойитиш фабрикасининг объектларини қурилишидан топширилишигача бўлган жараёнларда иштирок этиш ва техник-технологик хужжатларни ўрганиш, янги қурилаётган фабрика ишга туширилиши билан уни</p>								

саноат эксплуатациясига қабул қилиш, шунингдек, фабрикани малакали кадрларни таъминлаш чораларини кўриш мақсадида “Олмалиқ КМК” АЖ таркибида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда (дастлабки давр учун) 15 та штат бирлигидан иборат **“3-Мис бойитиш фабрикаси” ташкил этиш маъқулланганлиги;**

“Ёшлик-1” конини ўзлаштириш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида Машинасозлик заводининг янги объектларини қуриш бўйича масалаларни ўз вақтида ҳал этиш ва уларни мувофиқлаштириш учун “Олмалиқ КМК” АЖ таркибида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда 13 та штат бирлигидан иборат **“Машинасозлик заводи объектларини қуриш бўйича дирекция”ни ташкил этиш маъқулланганлиги;**

“Олмалиқ КМК” АЖ ташкилий тузилмасидаги Шеробод цемент заводи, Жиззах цемент заводи таркибий бўлинмаларининг номи **“Sherobod cement plant” МЧЖ ва “Jizzakh cement plant” МЧЖ деб қайта ташкил этиш** маъқулланганлиги ҳамда “Angren pipe plant” МЧЖ Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан сотилганлиги;

Комбинатда нанотехнологиялар ва янги турдаги материалларни ишлаб чиқариш жараёнларига мослаштириш бўйича илмий изланишларни мувофиқлаштириш мақсадида ижро аппарати тузилмаси таркибига **“бошқарув раисининг нанотехнологиялар ва янги турдаги материаллар бўйича маслаҳатчиси” лавозимини киритиш маъқулланганлиги;**

“Олмалиқ КМК” АЖ рақамли трансформацияси доирасида ERP-тизимини жорий этиш лойиҳасини самарали амалга ошириш мақсадида **“Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш бошқармаси” штатлар жадвалидан 16 та (вакант) штат бирликларини қисқартириб, Бошқарув раисининг рақамлаштириш бўйича ўринбосарига бўйсинувчи мустақил бўлинма “ERP тизимини жорий этиш бўйича лойиҳа офиси” ташкил этиш маъқулланганлиги;**

Жамият янги ташкилий ва ижро аппарати тузилмалари ҳамда 2023 йилга мўлжалланган бизнес-режаси Жамият кузатув кенгаши мажлисининг 2022 йил 5 декабрдаги 27-сон ва 2022 йил 5 сентябрдаги 21-сон баёнлари билан маъқулланганлиги, унга кўра соф тушум **29 843** млрд. сўм, соф фойда эса **5 626** млрд. сўм бўлиши режалаштирилганлиги **маълумот учун қабул қилинсин.**

2. Жамиятнинг янги ташкилий ва ижро аппарати тузилмалари **1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.**

3. Жамиятнинг 2023 йилга мўлжалланган бизнес-режаси **иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

4. Жамият бошқарув раиси А. Хурсановга:

2022 йилга мўлжалланган бизнес-режа параметрларининг қатъий бажарилишини назорат қилиш;

бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилиши ҳолати тўғрисида кузатув кенгашига ҳар чоракда ҳисобот ва зарур маълумотларни киритиб бориш вазифаси юклатилсин.

5. Мазкур қарор ижросини таъминлаш директор ўринбосари А. Абдукадиров ва “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ бошқаруви раиси А. Хурсанов зиммасига юклансин.

Уставга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар матни

Кўриб чиқилмади

Ижроия органи раҳбарининг Ф.И.Ш.:

Хурсанов А.Х.

Бош бухгалтер:

Тен Н.К.

Корпоратив муносабатлар ва инвесторлар билан алоқалар хизмати бошлиғи в.б.

Химматов А.Х.